



Тоҷикистон давлати халол маҳсулотлар етиштиришни ривожлантириш ва ўлка бозорларига чиқаришни режалаштирмоқда.

Тоҷикистон Стандартлаштириш, сертификат бериш ва савдо –тижорат устидан назорат этиш Агентлиги раисининг биринчи ўринбосари Абдуллох Курбонов яқинда маҳаллий журналистларга берган интервьюсида юқоридаги хабарни эълон қилиш билан бирга илова этдики, мусулмонлар учун “Халол” белгиси исломий қонунлар ва кўрсатмалар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот турини билдиради.

Унинг айтишича, мамлакатда аҳолининг 99 фоизини мусулмонлар ташкил этишини инобатга олган ҳолда халол маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни бозорга чиқариш ривожлантиришни режалаштирмоқдамиз. Ҳозирги кунда 37 та маҳаллий ишлаб чиқариш ширкатларига халол маҳсулотлар ишлаб чиқариш шароити таништирилди ва улардан 14 таси сертификат олиш ва халол маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришишга тайёр эканликларини билдиришган.